

XIX-XXI АСР ОРАЛИҒИДА ЎЗБЕК АЁЛИ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ.

Алиқулова Мухайё Исроиловна

Қўқон Университети

Психология факультети бакалавр.

Аёллар маслахатчиси ҳамда турк тили таржимони.

Annotation: *This article analyzes the evolution of the social status and role of Uzbek women from the 19th to the 21st centuries, as well as the impact of modernization on their lives. It compares the position of women in traditional society—where their roles were largely limited to family and community spheres—with the increasing social activity of women during the Jadid movement and the Soviet era. Furthermore, the article explores the participation of women in political, economic and cultural life in the years of independence, highlighting their active role in modernization and globalization processes. Special attention is to the harmony between modernization and national values, the reforms aimed at ensuring gender equality, and the role of education in this transformation.*

Keywords; *Uzbek women, modernization, society, equality, education, tradition, globalization.*

ÖZET. *Bu makalede XIX-XXI yüzyıllar arasında Özbek kadınının toplumdaki yeri ve rolünün evrimi ile modernleşme sürecinin ona olan etkisi incelenmiştir. Geleneksel toplum yapısında kadının aile ve mahalle çerçevesiyle sınırlı konumu XX. yüzyılın ilk yarısındaki Cedidcilik hareketi ve Sovyet dönemi sosyal değişimleri sonucunda kazandığı aktif rol ile karşılaştırmalı olarak ele alınmıştır. Ayrıca bağımsızlık yıllarında kadınların siyasal ekonomik ve kültürel hayattaki katılımı modernleşme ve küreselleşme süreçlerindeki etkin konumu açıklanmıştır. Makalade modernleşmenin ulusal değerlerle uyumu kadın-erkek eşitliğini sağlamaya yönelik reformlar ve eğitimin rolüne özel vurgu yapılmıştır.*

Anahtar kelimeler; *Özbek kadını, modernleşme, toplum, eşitlik, eğitim, gelenek, küreselleşme.*

Аннотация: *Ушбу мақолада XIX-XXI асрлар оралиғида ўзбек аёлининг жамиятдаги ўрни ва ролнинг эволюцияси, шунингдек модернизация жараёнларининг унга кўрсатган таъсири таҳлил қилинган. Илк даврлардаги анъанавий жамиятда аёлнинг оила ва маҳалла доирасидаги вазифалари билан чегараланган мавқеи, XX асрни биринчи ярмидаги жадиличлик ҳаракати ҳамда Совет давридаги ижтимоий ўзгаришлар натижасидаги фаоллашуви билан солиштириб ўрганилган. Шу билан бирга мустақиллик йилларида аёлларнинг сиёсий иқтисодий ва маданий ҳаётдаги иштироки замонавийлашув ва глобаллашув жараёнлари фаол позицияси ёритилган. Мақолада модернизациянинг миллий қадриятлар билан уйғунлашуви, аёллар тенглигини таъминлашдаги ислохотлар ва таълимнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар. *Ўзбек аёли, модернизация, жамият, тенглик, таълим, анъана глобаллашув.*

КИРИШ.

Туркистон хотин қизлари XIX аср охири – XX аср бошларида тор доираларда яшайдиган ижтимоий ҳаётдан узулган эрига ва оилага қарам иқтисодий мустақиллиги йўқ чекланган ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлган инсонлар сифатида тасвирланган мунозаралар мавжуд. XIX асрнинг охири XX асрнинг боши жаҳон цивилизациясининг тараққиётида кескин бурилишлар даври бўлди. Бу даврда чуқур ислохотлар биринчи ва иккинчи жаҳон уруши бўлиб илм-фан тараққиётида туб сифатий ўзгаришлар рўй берди. Бир жамиятнинг бутунлай ёд жамият таъсирида қолиши нафақат ҳаётда балки кишиларнинг фалсафасида ҳам инқилоб ясади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Марказий Осиёда ҳам бошқа минтақаларда бўлгани каби ўзгача фикрловчи янгича қараш вакиллари шаклланиб борди. Ўрта Осиёда ижтимоий-иқтисодий тузум қолюқ фуқароларнинг турмуш тарзи ўта паст маъданий-маънавий ҳаётида ислом дини пешволарининг таъсири кучли эди. Хусусан Туркистонлик муслмонларнинг хотин-қизларни рағбатлантириш ва миллатни тиклаш борасидаги фикрлари ўзаро уйғун эмасди. Марказий Осиё ислохотчилари аёллар таълими ва турмуш ҳаётини ўзгартиришни тарғибот қилишганди. Марказий Осиёда XX асрнинг бошига қадар хотин-қизларга отинлар отинойилар таълим берган.

Дарслар одатда мактаб муаллимларини уйда уларнинг хотини томонидан олиб борилган. Бундай қизлар ўқитиладиган жойларга нисбатан мактаб атамаси қўлланилмаган. Қишлоқ жойларда қизлар мактаби жуда кам ҳолларда учрарди. Таълимда асосан адабий асарлар ўқилиши бироқ ёзув ўргатилмаслиги қайд этилган.

Туркистондаги қизлар мактабларининг иккита умумий функционал жиҳатлари бўлган

1. Ўғил болалар мактаблари каби бошланғич диний таълим бериш билан бирга анъанавий турмуш тарзи ҳамда аждодлар маънавий қадриятларини ўргатар эди.

2. Мактаб ва мадрасалар каби диний таълимотларни ташвиқ этувчи таълим муассасаси бўлиш билан бирга келажакда ислом асосларини аёллар орасида тарғиб этувчи ва бўлажак ёшларга таълим-тарбия берувчи мутахассисларни тайёрлаш масканлари эди.

XIX аср Ўрта Осиё жамоатчилигида қизларнинг савод олиши ижобий баҳоланган. Бироқ таъкидлаш жоизки қизлар таълимига нисбатан барча ҳудудларда ҳам бу ижобий муносабат кузатилмаган.

XX аср бошида илғор ўзбеклар зиёлилари жадид мактаби ташкил этиб даврий матбуотда хотин-қизларни билим олишга чақирувчи мурожаатлар чиқаришди.

“Мехнаткашлар товуши” газетасининг 1918 йил 24 декабрь сониди шундай сўзларни ўқиймиз; йигитларни етиштиргувчи жамияти башарияни тарбия этгувчи хотун-қизларимизни таълим ва тарбиядан маҳрум этсак аларда бўлфон истедод ва ўнгунликлардан фойдаланмасак бизнинг ҳолимиз не бўлажак?

Туркистонда хотин-қизларга махсус на бир мактаб на бир жамият ва на бир қироатхона бор. Бизнинг Туркистонда хотин-қиз дунёси энг тубун даражада бўлиб, бутун ҳуқуқларидан маҳрум этилиб тўрт девор орасинда қамалуб қўюлгон маҳбуса кабидир. Башарият дунёсинда яшамоқ учун барча аъзонинг саломат бўлиши шартдир. Шундай бўлса биз 10 миллионли Туркистонликларнинг ярмидан кўпини ташкил этган хотун-қизларимизни таълим ва тарбиядан илм ва маорифдан маҳрум этиб аларга онг ва фикр бермасак, ўқитмасак бизнинг ҳолимиз не бўлур.

Туркистоннинг маҳаллий аёлларини умуман саводсиз бўлган дейиш ҳақиқатга зиддир, чунки уларни ичида отинийи қўлида савод чиқариб, диний таълим олишганлар ҳам бўлган. Отинийлар аёл ўқитувчилар бўлиб улар қизларга ўз уйларида дарс берганлар. Диний таълимдан ташқари, шеъриятдан ҳам сабоқ беришган. Шунга қарамасдан XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкада маҳаллий аҳолидан хассос шоирлар етишиб чиккан.

XIX асрда Қўқон ҳудудида яшаб ўтган шоирлар, Дилшоди Барно 1800-1905 ўз хотираларида 51 йил мактабдорлик қилганини, мадраса босқичида таълим берганини қайд этади.

Анбар Отин (1870-1906) ҳам Қўқонда Дилшод қўлида таҳсил олган. Хотин-қизларга таълим бериб ўзига ОТИН тахаллусини танлаган.

1906 йилда Қўқонлик Тожия исмли аёл биринчи турк тили аёллар журнаliga хат ёзиб, у Туркистонлик мусулмон аёлларнинг аҳволи ҳақида ўзбек аёллари номидан шикоят қилган. Хатни қисқача мазмунини айтиб ўтсак.

Россиядаги аёллар озодлиги ва ислохотлар ҳақидаги ҳаракатлардан Туркистон аёллари узоқ қолганини афсус билан таъкидлайди. Мусулмон аёллар ҳам ўз фикрини билдириш, савол ва таклифлар ёзиш ҳуқуқига эга бўлиши кераклигини уқтиради. Туркистон аёллари илмсизлик ва жаҳолат туфайли ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги, шу боис уларни маърифат ва таълим орқали уйғотиш зарурлигини айтмоқчи бўлади. Хотин-қизларни ўқитиш, уларни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш кераклигини қилади.

Туркистон аёлларини таълим олишдан мақсадлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиладиган фаол шахсларга айланиш ва келажакда бутун жамиятнинг тараққиётини таъминлаш.

XIX асрда аёлнинг жамиятдаги ўрни асосан оилада бўлган бўлса, XX аср бошларидан аёллар маърифатпарварлар фаолияти орқали жамиятга чиқишни бошлаган. Қизлар мактаблари очила бошлади. Аёлнинг оналик: тарбиячи: миллат устунлиги сифатида образи кучайиб борди. Аёлнинг жамиятдаги ҳуқуқий тенглиги қонун

билан мустаҳкамланди. Ишчи, муаллим, шифокор, олим аёллар авлоди шаклланди. Аёллар нафақат жамиятда балки ижтимоий ислоҳотларда ҳам фаол ролини кўрсатади.

Ўзбек Аёли ва модернизацияга чақирув.

Модернизация – бу жамиятнинг замонавийлашуви яъни таълим, маданият, турмуш тарзи ва фикрлаш усулларидаги янгиланиш жараёнидир.

Ўзбек аёли бу жараёнда фақат иштирокчи эмас балки ташаббускор сифатида ҳам намоён бўлди. Бу унинг жамиятни ўзгаришга ундаши, маърифат билан тараққиёт эшигини очиши демактир. Янги жамиятга янги аёл керак. Янги аёлга эса янги таълим. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек аёлининг модернизацияга чақируви янада чуқур маъно касб этди. Давлат сиёсатининг аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги, таълим ва тадбиркорлик соҳаларидаги имкониятлар кенгайиши натижасида аёллар янги жамият қурулишида фаол иштирокчига айландилар. Улар миллий қадриятларни асраб, замонавий билим ва инновацияни ўз ҳаётларига жорий этдилар. Жамиятда аёлларга нисбатан маънавий эътибор ҳам кучайди.

“Аёлни эъзозлаш – миллатни улуғлаш” деган ғоя асосида ҳар йили аёллар учун турли имтиёзлар, рағбатлантириш чоралари амалга оширилмоқда.

Масалан, таълим олаётган қиз болалар учун стипендия дастурлари, тадбиркор аёллар учун кредит имтиёзлари, кўп болали оналар учун давлат мукофотлари ва ижтимоий ёрдам тизимлари жорий этилган. Бугунги кунда ўзбек аёли маънавий етук, билимли мустақил ва масъулиятли шахс сифатида жамиятнинг модернизация жараёнида етакчи кучга айланди. Унинг чақируви ҳануз янграмоқда у бошқаларни ҳам маърифатга эзгуликга ва тараққиётга чорламоқда.

ХУЛОСА.

Ўзбек аёли миллат юраги жамиятнинг нурли кучи. У XIX асрнинг оғир ҳолатларидан тортиб, XXI асрнинг равнақли замонигача илму-маърифат, меҳр ва жасорат билан етди. Яъни XIX асрда ўз овозини излаган, XX асрда уни жамиятга эшиттирган, XXI асрда эса мамлакат тараққиётининг асосий кучи бўлган аёл – бу Ўзбек аёлidir. Унинг тарихий йўли маърифат меҳр ва сабр билан тўлган.

Шулардан келиб чикиб айтишим мумкинки, ўзбек аёли ҳақида гап кетганда фақат иштирокчи эмас, балки илҳом манбаи, янгилик етакчиси, у билан фақат ўтмишни эмас, балки тараққий бўлган келажакни кўраамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом тарихида аёллар, мақолалар. 2019.02.08 йил.
2. Дилмира Матякубова Ўзбекистон аёлининг янги қиёфаси ;у қандай шаклланган? 09.11.2018
3. XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё анъанавий таълим тизими хусусиятлари. Халқаро Nordik Университети мақоласидан олинди.

4. Санобар Шодмонова Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси тарих институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор.

5. Туркистон матбуотида хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақидаги мунозаралар интернет саҳифасидан олинди.